

11-dekabr
2025-yil 49 (1 151)

O'ZLiDeP

АХШАР

ЎТТМОЎЙ - СИҲОСИЙ ГАЗЕТАСИ

Жалолиддин

Румий:

Ўйларинг
сўзларингга,
сўзларинг
феълингга,
феълинг тақдирингга
нуқс этади.
Гўзал ўйла,
гўзал яша!

ФАХР

Шавкат МИРЗИЁЕВ: ЕРНИ ЯХШИ КЎРГАН – ВАТАННИ ЯХШИ КЎРАДИ



Кеча Президент Шавкат Мирзиёев Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари кунни доирасида ушбу соҳа вакиллари билан мулоқот ўтказди. Давлатимиз раҳбари суҳбат давомида юртимиз равнақи, халқимиз турмушини обод, дастурхонини тўкин қилишдек машаққатли вазифани шараф билан адо этаётган фидойи ва заҳматкаш инсонларнинг чин юракдан билдирган эзгу тилаклари, амалий таклифлари, самимий фикр-мулоҳазаларини тинглади.

– Бежиз “Ерни яхши кўрган – Ватанни яхши кўради”, дейишмайди. Зеро, умрини, меҳнатини саховатли заминимиз билан боғлаган сиз каби фидойилар – ҳақиқий ватанпарвардир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз равнақи йўлидаги ҳалол меҳнатингиз, эришган юксак натижаларингиз учун бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман, – деди давлатимиз раҳбари.

2

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ

ҲАЁТ БАРЧАМИЗ УЧУН БАРОБАР

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “CITY PALACE” МЕҲМОНХОНАСИДА “ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ” ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган “Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳамда О‘zLiDePнинг “Беш мақсад – беш юз вазифа” Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партияс томонидан “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа ноғиронлиги бўлган шахсларнинг таълим, бандлик, ижтимоий ҳаёт ва инфратузилмада тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган.

Қайд этилганидек, лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб 60 дан ортиқ тадбирда 6340 нафар фуқаро қамраб олинди. Учрашуларда кўтарилган 84 та муаммо жойида ижобий ҳал этилди. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари асосида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 711 та овозли светофор ўрнатилди,

208 та кўча тротуар ва йўлаклари қайта жиҳозланиб, Тошкент метросида 45 та кўтариш мослашмаси ўрнатилди. Мингдан ортиқ автобус ва электробус инклюзив жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, 656 та инклюзив боғча гуруҳлари ташкил этилиб, мактаблардаги инклюзив синфлар сони 947 тадан 2,8 минггага етказилди. 2,5 минг нафар махсус педагог ва ассистент-педагог фаолияти йўлга қўйилди.

Лойиҳа иштирокчилари Қирғиз Республикаси ва Эронда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда қатнашди. Қўқон шаҳрида ўтган II Халқаро хунармандлар фестивалида ноғиронлиги бўлган хунармандлар фаол иштирок этиб, бир қатор совринли ўринларни кўлга киритди.

Форум доирасида лойиҳани янада оммалаштириш учун қатор таклиф-ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, давлатлараро тўсиқсиз

“Инклюзив туризм”ни ривожлантириш, инклюзив таълим учун инфратузилма ва шароитларни яхшилаш, ноғиронлиги бўлган ёшлар учун IT соҳасида квоталар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ режа ишлаб чиқиш кўшимча имкониятлар яратади.

Жамоат транспортида таълим муассасаларига қатнаш учун бепул ижтимоий карталар жорий этиш, меҳнат бозорига тенг ҳуқуқли кириши имкониятларини кенгайтириш ҳамда киноматериалларни тифло-изоҳ ва сурдотаржимон билан таъминлашни кўпайтириш каби таклифлар ҳам форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Форум якунида муҳокама қилинган барча масалалар бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.


О‘zLiDeP матбуот хизмати

БУГУНГИ СОНДА:



ҲАММАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

3



**ЭЛЕКТРОН БАЗА:
КИМГА МАЗА, КИМГА АЗА?!**

5



**“УРУШ ВА ТИНЧЛИК”НИНГ
ИККИ ТОМИНИ ҚЎЛДА КЎЧИРГАН ЭДИ...**

6

АХШАР

ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Обуна
2026 йил учун



ОБУНА ИНДЕКСИ – 406
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(71) 255-68-50



**Дунё ва мамлакатимиздаги
энг сўнгги янгиликлар!**

БОҒОТЛИК ПЎЛАТ ФЕРМЕР ҚАНДАЙ ТОВАЛАНДИ?

Кунни кеча Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Улар орасида Боғот туманидаги “Ёқуб бобо ўғли Омон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи Матниёзов Пўлат Ёқубович “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони билан тақдирланди!

Тўқсон икки ёшдан ҳатлаган бўлса-да, ҳамон тетик, хотираю қувваи ҳофизасига дарз кетмаган Ёқуб бобани қўлонқорабоғликлар “Ёқуб ҳосилот” ва яна “Ёқуб шўро” дебам улуғлашади. Хўв узоқ замонлар – ҳали шўролар “доҳийси” Сталин тирик маҳали ўн саккиз яшар ўсмир Қўйи Амударё минтақасида соҳа бўйича ягона даргоҳ бўлмиш Хива қишлоқ хўжалик техникумига ўқиш истагида борганида чўнтагида отаси берган ўн сўмгина пули бўлгани, бу пул бир ҳафтага ҳам етмай, ўшандаям кунни қора нонга помидорни суркаб еб, бир ойлар қорини алдаб юргани, кўнглида ҳосилот бўлиш иштиёқи ҳамма нарсадан устун келгани учун ўқишни ташлаб кетмаганини бугун ҳам хўрсиниб, ҳам қулиб сўзлаб беради отахон.

Қадим-қадимдан Қўлон Қорабоғ қишлоғи ерлари унумдор келади. Яна денг бу худуд Хоразм воҳасининг деярли етмиш физионо сув билан таъминлайдиган Тошсоққа канали бўйида жойлашган. Ҳали хон замонларида шу ердан бешта катта-кичик ариқлар ўтган бўлиб, шундан “Бешарик” деган атамаси ҳам сақланиб қолгани маълум. Қишлоқ номининг ўзиёқ кўп ҳақиқатлардан сўзлайди: қўлон – отнинг бир тури. Бу ердаги серўтлоқ яйловларда хонлик отлари боқилган. Қорабоғ эса туркий тилда катта боғ дегани. Мана сизга бу қишлоқ аҳлининг нима учун деҳқончиликда ҳамisha илғорлигининг туб илдиэлари қаердан озиклангани исботи!

Ёқуббой Матниёзов ҳосилот дипломини олгач, узоқ йиллар қишлоқдаги жамоа хўжалигида бош ҳосилот, хўжаликнинг Тошсоққа ва Амударё оралиғидаги “Тўпчи” деб аталган қисмида раис ўринбосари, яна кўп йиллар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифаларида ишлаган (буни қарангки, қаҳрамонимиз Ёқуб ҳосилотнинг ўғли Пўлат тақдирига ҳам қишлоқ оқсоқоли бўлиб ишлаш насиб этди ва шу боисми, отасининг бир лақаби унга мерос қолди).

са, албатта. Қароринг қатъийми, омад ёр бўлсин!”

Пўлат ҳеч иккиланмасдан, фермер хўжалигини отаси номи билан атади. Бу катта ишининг бошланиши эди.

Вақтнинг ўтишини қарангки, шунгаям йиғирма йилдан ошибди. Дастлаб бирорта ҳам техникаси йўқлиги учун кичикроқ майдонларда деҳқончилик қилди. Ерни ҳайдаш, экин экиш, қатор ораларига ишлов бериш, кузги теримда ҳосилни пахта заводида ташишда Муқобил машина-трактор парки хизматидан фойдаланиб, мавсум заботига олган даврда қай бир рўсумдаги техникани олиш учун навбат кутишига тўғри келарди.

Кейинчалик даромади ҳисобидан янги техникалар сотиб олди. Бу орада фермерлар йириклаштирилиб, унинг ҳисобига 122 гектар экин майдони ажратилди. Шунча майдонда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўладими? Иш кучи масаласи бир ён бўлса, техника масаласи бир ён. Айнан ҳар йили пахта ва буғдой режасини ошириб бажариши, рентабелликка қатъий риоия қилиши самараси ўлароқ орттирган даромади ҳисобига турли замонавий техника ва ускуналарни харид қилдики, бугун улар бундайроқ гаражга сиғмай қолди.

Бир пайтлар мавсумда пахтадан 30, буғдойдан 40 центнер ҳосил олганида қувончдан боши кўкларга етарди. Ортада қолган йилларда ҳосилдорлик ўса борди. Бунга асос: ер майдонларини лазерли услубда текислаш, маҳаллий ўғит билан тўйинтириш, шўрини ўз мuddатида сифатли ювиш, вақтида уруғ қадаб, агротехник тадбирларни белгиланган мавсум ва меъёрларда ўтказиш. Ва яна фермер хўжалигида ишловчиларни етарлича маош ва шарт-шароитлар билан таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Гувоҳлик берамизки, айрим фермер хўжалиқларида ишчи-хизматчилар кўнимсизлиги кўзга ташланади. Лекин Пўлат Матниёзов раҳбар бўлган

ли фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштиришдан ташқари буғдойдан бўшаган майдонларга иккиламчи ҳосил сифатида шולי, чорва озуқаси, озиқ-овқат экинлари экилади. Фермер ихтиёрида олти гектардан зиёд олмазор боғ ҳам бор.

– Бу йил воҳалик деҳқонлар учун чинакам мўл ҳосил йили бўлди, – дейди Пўлат Матниёзов биз билан суҳбатда. – Маҳаллий ва Хитойдан келтирилган пахта нави бир теримдаёқ қирқ центнер ҳосил берди. Умуман олганда, илк бора эллик центнерлик доводдан ошдик. Янги навлар ҳосилдорлиги билангина эмас, эрта пишиб етилиши билан мушкулларимизни осон қилди. Ўтган даврда пахта йиғим-терими икки ойга чўзилиб кетарди, бу йил эса бир ойнинг нари-берисида катта хирмон уйилди. Сентябрнинг охири ва октябрь бошида ҳосили териб олинган далаларда гўзаояларни йиғиштириб, очик майдонларда кузги буғдой эқдик. Ҳаво ҳароратининг муътадил келиши униб чиққан буғдой ниҳолларини икки марта озиклантириб, суғоришга имкон яратди. Ҳозир қишнинг аёзли даврида ҳам яхши озиклантирилиб, бир қаричдан узун бўй тортган буғдой ниҳоллари мисли ям-яшил майдонларни эслатади. Худо хоҳласа, келгуси йилда буғдой ҳосилимиз янада залворли бўлади. Энг асосийси, пахтадан бўшаган майдонларда кузги шўдгорлашни қисқа фурсатларда ўтказиб, ерларни текислаб, аллақачон бир марта сифатли қилиб шўрини ҳам ювишга улгурдик. Энди келгуси йил бошида яна икки марта шўр ювсак, ерлар чигит қадашга тайёр бўлади.

Қаҳрамонимиз ўта камгап, камтарин. Мақтанишни ёқтирмайди, эришилган ютуқларни ифодаловчи факт ва рақамларни ҳадеб дастурхон қилавермайди. Кеча, ишонсангиз, айрим маълумотларни фермер истиқомат қилаётган “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар йиғинидан олишга тўғри келди.

“Ёқуб бобо ўғли Омон” фермер хўжа-



Бир вақтлар Ёқуб ҳосилот партав ерларни ўзлаштириб, мўл-кўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирган “Тўпчи” худудида ярим асрлар илгари “Боғот” давлат хўжалиги ташкил қилинади. Пахта ва шולי алмашлаб экиш тажрибасини юртимизда биринчи бора қўллаб, залворли доводлар ошган давлат хўжалиги раҳбари Машариф Қувоқов воҳа тарихида биринчи бўлиб қишлоқ хўжалик ходимлари орасида давлатимизнинг энг юксак мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлгани бежиз эмас. Кейинчалик унинг шогирди Шарифбой Ражабовнинг ҳам кўксига қаҳрамонлик нишони тақдирланди!

Пўлат отасининг маслаҳати билан институтда таҳсил олди. Ўқишни тугатгач, жамоа хўжалигида бир қатор масъул вазифаларда ишлаб, ўз соҳасининг билимдонини, жонкуяри бўлиб тилга тушди. У нафақат яхши мутахассис, балки одамлар билан муомалада ҳам беназир эди. Бу ҳам балки падари бузрукворидан мерос ўтгандир.

Муस्ताқилликдан сўнг ерларнинг мулкий мақоми ўзгартирилиб, фермер хўжалиқлари ташкил қилина бошлаганида каттагина вазифани ташлаб, оддий фермер бўлиши ҳақида айтганида Ёқуб ҳосилотнинг қувонгани рост. “Ўғлим, бизлар бутун умримизда далада ўтган бўлса-да, йил, ўн икки ой тиним билмай ишладик, лекин бир парча томоркамиздан бўлак мулкимиз бўлмади. Давлат раҳбари ерларни деҳқончилик қилиш учун фермерликка ажратиб бера бошлаган экан, демак, бу бошламнинг истиқболи насиб этса жуда яхши бўлғай. Ушанда ҳам ер ҳақиқий эгаларига берил-

фермер хўжалигида, кўз тегмасин, ҳаммамнинг рўзғори бут, дастурхони тўкин.

Боғот тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида вилоят миқёсида ҳамisha илғорлар сафида бўлса, қўлонқорабоғлик фермерлар туманда ҳар соҳада биринчи.

Шу қишлоқнинг яна бир доврўқли фермери – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Юсуфбой ака Рўзметовнинг ушбу сўзларини эшитинг: “Пўлат билан колхоз давридан буён ёнма-ён ишлаб келамиз, фермер майдонларимиз бир вақтлари ўзаро чегарадош эди. У ишлаб толмайдиган, янгиликларни биринчилардан бўлиб бошладан кўрқмайдиган инсон. Айрим фермерлар “Қарзини қачон тўлаймиш?” деб ҳадиксирган вақтда банк кредити ҳисобидан замонавий ўрим комбайни олди. Ўз даласидаги буғдой ва унинг ўрнига кўчатлаб экилган шוליни бирор ҳафтада ўриб, йиғиштириб, бошқа фермерларга ҳам хизмат кўрсатди. Қарз узилди, комбайн ёнига қолди. Шу биргина техниканинг ўзидан салмоқли даромад оляпти. Сув чиқариш насосларини куёш панелли электр тармоғи тизимига ўтказиш амалиётига ҳам биринчилардан бўлиб киришди. Олдин электр истеъмоли учун электр таъминоти идорасига юз миллионлаб пул тўлаган бўлса, энди ортиқча энергияни сотаяпти. Давлатимиз томонидан бу фидойи йигитнинг шарафли меҳнатлари муносиб тақдирланиб, “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотланганида ҳаммамиз қанчалар қувонган эдик. Кеча эса...”

“Ёқуб бобо ўғли Омон” кўптармоқ-

лиги ушбу мавсумда 73,5 гектарда пахта экиб, ҳар гектардан 50 центнердан ортиқ ҳосил етиштирди. 49,5 гектар майдонга экилган буғдойдан... ишонаверинг, салкам 100 центнердан ҳосил олинди, шартномавий режердан ортган буғдой ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва фермер хўжалигини ривожлантиришга сарфланди. Бошқа кўшимча соҳалардан олинган даромади ҳам ҳавас қилгуғли.

Шу ўринда яна бошқа бир гапни ҳам айтмасак бўлмас. Маҳалла муқаддам “Ўзгариш” деб аталган. Айнан қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда сўнгги йилларда рўй берган улкан ўзгаришлар ҳақида ёзаверсак, мақоламыз тугамасди. Битта катта янгилик шуки, бу худудда пахта етиштириш бўйича эришилган ютуқлар сабаб маҳалла номи етти йиллар аввал “Пахтаобод” деб ўзгартирилди. Яъни, атаманинг ўзгаришига айнан Пўлат Матниёзов бош бўлган фермер хўжалиги кўлга киритган ютуқлар асос бўлди.

Кеча давлатимиз раҳбари имзо чеккан фармонда Ёқуб ҳосилот бобонинг фидойи фарзанди Пўлат Матниёзовнинг номи ҳам зикр этилганини эшитган нафақат Қўлон Қорабоғ қишлоғининг каттаю кичиги, балки Боғот тумани, қолаверса, Хоразм воҳаси аҳлининг ҳам боши осмонга етди. Демак, ҳалол меҳнат қилган инсонлар хизмати ҳамisha муносиб баҳосини олаверади.

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

“КАМБАҒАЛЛИҚДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” ДАСТУРИ

АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДИ ОШСА, БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНСА, МУАММОЛАР БЎЛМАЙДИ

Сўнгги тўққиз йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бир қатор амалий ишлар бажарилди. Президентимиз ташаббуси билан камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга айланган. Барча саяё-ҳаракатлар ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиб ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.



**Исмигул ХУШМУРОДОВА,
Халқ депутатлари Қашқадарё
вилоят кенгаши раиси**

Янгиланган Конституцияда пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истеъмо ҳаражатларидан оз бўлмаслиги қатъий белгиланган бўлди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадларини ошириш бўйича янги ёндашувларни кенг жорий этиш, маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳоли билан манзилли ишлаш, ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, мавжуд ресурслар, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш самардорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш борасида бир қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятимизда 1 880 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, шундан 1 322 минг нафари иш билан таъминланган. Ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар сони 75 минг нафарни ташкил этади. Президентимизнинг 2025 йил 17 январда имзоланган қарори ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг 3 мартдаги 22-сонли йиғилиш баёнига асосан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 501 минг нафар аҳоли даромадли иш билан таъминланди. Туман, шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига мурожаат қилган 35 072 нафар ишсиз фуқаро доимий ишларга жойлаштирилди. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш топишда қийналаётган 2027 нафар киши квота иш ўринларига жойлаштирилди. 19 229 нафар ишсизлар эса касб-хунарга ўқитилиб, уларнинг 123 нафарига ишсизлик нафақаси тўлаб берилди.

Вилоятда оғир тоифада бўлган маҳаллаларга “Яшил энергия” МЧЖ томонидан кооперация асосида барпо этиладиган қуёш фотоэлектр станцияларини бошқаришга камбағал оилалар аъзоларини улшдор сифатида жалб этиб, хизмат кўрсатиш учун ўқитилиб, ишга қабул қилиш режалаштирилмоқда. Ўрмон фонди ерларида санаятчилик, манзарали ва мевали дарахт турларидан барпо этиладиган ўрмонларда кўчатхоналар ташкил этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш йўлга қўйилиб, камбағал оилаларнинг мазкур ер участкаларида ўз эҳтиёжлари учун сазавот, поллиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга рухсат этилади. Оғир тоифадаги маҳаллаларга турпроқ иқлими шароитига мос келувчи мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб бериш, “экофаол фуқаро” платформасига ўзи эккан дарахтлар тўғрисида маълумотлар киритган камбағал оилаларга субсидия ажратиш борасида амалий ишлар бошланган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида “Камбағал оилалар реестри” ишга туширилди. Оилаларнинг моддий-мулкий ҳолатидан келиб чиқиб, 167 минг оиланинг турмуш шароити ўрганилиб, 84 минг оилада истиқомат қилаётган 367 минг нафар аҳоли мазкур реестрга киририлди. 50 710 нафар камбағал оила аъзолари доимий ишга жойлаштирилди, 28 600 нафари тадбиркорликка йўналтирилди, дастур доирасида 10 330 нафарига имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди ҳамда 5 149 нафари касб-хунарга ўқитилди. Йил охирига қадар 9 864 та “Камбағал оила реестри”даги оилаларнинг 45 174 нафар аъзолари камбағалликдан чиқарилиб, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳри ҳамда Китоб туманлари “камбағалликдан холи худуд”га айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган

ишлар сарҳисоби ҳамда 2026 йил учун устувор вазифалар муҳофазатига бағишланган йиғилишда мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи бўлган худудларда иш ўринлари яратиш, сервис ва санаятчи кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги самардорлигини ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича 5 та муҳим ташаббус белгилаб берилди. Мазкур йиғилишда иқтисодий ўсиш суръатининг секинлашгани боис камбағаллар сони ортиб бораётгани давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдида янги ва долзарб вазифалар қўяётгани, уларга ечим топиш учун текоз қарорлар қабул қилиш зарурлиги алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оиллага фаровонлик кириб борганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этаётганлиги, бундай кенг кўламли саяё-ҳаракатлар ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни 2 қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга интилиши, 2030 йилга бориб, халқаро мезонларга қўра, Ўзбекистонда мулқ камбағалликка тўлиқ барҳам бериш учун барча имконият мавжудлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Албатта, бу каби изланишлар аллақачон ўз самарасини бераётгани қувонарлидир. Янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилиб, дунёдаги илмий ютуқлар синчиқлаб ўрганилган ҳолда камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон модели яратилди. Кенг кўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти 2 қарра ўсиши кузатилиб, йил якуни бўйича аҳоли жон бошига даромадлар миқдори 3,5 минг долларга етиши кутиляпти.

Воҳада санаятчи ривожлантириш орқали маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш, маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва экспортдаги рақобатбардошликни кучайтириш борасида тинимсиз изланиш олиб борилмоқда. Масалан, “Ғиждувон тажрибаси” асосида мебелчилик, хунармандчилик ва тикувчиликка иxtисослашган маҳаллалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Туман ва шаҳарларимизда замонавий ишлаб чиқаришга асосланган “микросаноат маркази” қошида ташкил этиладиган санаят корхоналарининг ишга туширилиши, маҳаллаларда яшовчи аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Айниқса, бандликни таъминлашда хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, томорқа ва деҳқончилик учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш яхши натижа бераётди.

Кенгашимиз депутатлари томонидан худудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан депутатлик назорати амалга оширилмоқда. Қашқадарёда ҳам Президентимиз томонидан белгиланган берилган қурилиш ва инфратузилма орқали янги иш ўринлари яратиш, сервис ва туризм салоҳияти орқали аҳоли даромадини ошириш, санаят лойиҳаларини кенгайтириш ва доимий иш ўринлари ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва эҳтиёжманд қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди. Асосий мақсад – воҳа иқтисодиётининг барча тармоқлари ривожлантириш асосида янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, ижтимоий ҳимояни янги бошқича кўтаришдан иборат.

ҲАММАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МАЪЛУМКИ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИГА КЎРА ҲАР ОЙНИНГ ОХИРГИ ҲАФТАСИ ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИ УЧУН ЎЗИГА ХОС УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ. АЙНАН ШУ КУНЛАРИ УЛАР ҲУДУДЛАРГА ЧИҚИБ, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ СУХБАТЛАР ЎТҚАЗИШАДИ, ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР, ТАКЛИФ ВА ФИҚРЛАРНИ ТИНГЛАБ, МАСЪУЛЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА ЕЧИМЛАР ИЗЛАШАДИ.
ТАБИЙКИ, АЙРИМ МАСАДАЛАР ЎША ОКРУГНИНГ ЎЗИДА, БАЪЗИЛАРИ ЭСА ЖАВОБГАР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, БАРЧА МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Халмуратова Қонлиқул туманидаги сайловчилари ҳузурда бўлди. Даставвал Арзимбетқум овули аҳли – ўз томорқа ерларидан унумли фойдаланиб келаётган хонадон эгалари билан мулоқот қилди. С. Утепбергенов ва унинг умр йўлдоши П. Усенова пенсияда бўлишига қарамастан, томорқасининг ҳар қарич ерини олтинга айлантирган меҳнатқаш, серғайрат оила вакиллари саналади. Томорқа – қўшимча даромад манбаи эканини билган хонадон эгалари ҳовлисида турли мевали дарахтлар ва қулуннай экиб, ҳосил кўтаришади. Халқ вакили улар билан суҳбатлашар экан, боғдорчилик, иссиқхоначиликнинг ўзига хос сирлари билан ўртоқлашди.



Маданият маҳалласида яшовчи Умитгул Сейтова келини Нилуфар Узақбаеванинг соғлиғида муаммоси борлиги боис унда жарроҳлик амалиёти ўтказишда ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Нилуфар Узақбаева автохалокат оқибатида бош суяги қаттиқ шикастланган, пешона суяги эзиллиб кетган экан. Депутатнинг мурожаатига биноан тегишли ташкилотлар ва Олий Мажлис ҳузурдаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида беморнинг Андижон вилоятидаги марказий шифохонада муваффақиятли жарроҳлик амалиёти ўтказишга эришилди. Халқ вакили унинг уйига бориб, ҳолидан хабар олди.

Шуманай туманидаги Бирлешик овули Туркманистон билан чегарадош. Тумандан 28 км узоқ масофада жойлашган ҳудудда тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўпчилик деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳудуддаги 205 та хўжалик ва 1 125 томорқа ерини суғоришда сув тақчиллигидан азият чекиб келаётган овул аҳли насос ва қуёш панели ўрнатиб беришда ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Мазкур муаммони халқ вакили атрофлича ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал қилишга эришди: яъни парламент Қуйи палатаси ҳузурдаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан "Бирлешик" ОФЙга 170 млн сўм маблағ ажратилди. Натижада 2 та "SHIMGE 500" сув насоси ва қуёш панели ўрнатиб берилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Зоҳидов Мирзо Улугбек туманида Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳалла фаоллари билан учрашди. Мулоқотда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар хусусида сўз борди. Инфратузилмани яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар кенг муҳокама қилинди. Пойтахтнинг экологик ҳолатини яхшилаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, чикиндиларни ўз вақтида йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.



Ўз навбатида фуқаролар ҳам ўз таклиф ва мурожаатларини баён этишди. Депутат уларни ўз назоратида олиб, тегишли давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий ечим топишини маълум қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Равшан Фозилов Юнусобод тумани Кўшчинор маҳалла вакиллари билан мулоқотда бўлди. Тадбирда партия Юнусобод туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Иқборхон Ашрапова ҳам иштирок этди.

5 681 нафар аҳоли истиқомат қилувчи мазкур маҳаллада 32 та кўп қаватли уй, 1 641 та хонадон мавжуд. Яратилган зарур шароит ва соғлом муҳит натижасида бир ярим йил мобайнида мурожаатлар портали орқали бирорта ҳам шикоят келиб тушмаган. "Темир дафтар"да турувчи фуқаролар ҳам йўқ. Фақатгина ҳудуддаги иккита футбол майдончасининг юзаси чим билан қопланса нур устига нур бўлар эди, дейишди маҳалладошлар.

Халқ вакили 220-умумтаълим мактабида ҳам бўлди. 1 176 ўринли ушбу даргоҳда 2 400 нафар ўқувчи билим олмақда. Биноси 5 йил аввал капитал таъмирланган, синфхоналар замонавий жиҳозланган, электрон доскалар ўрнатилган. Спорт дарсларини ўтказиш учун ҳам барча шароитлар – футбол, волейбол, баскетбол ҳамда "Workout" майдончалари барпо этилган. Математика ва инглиз тилини мукамал ўргатиш бўйича махсус тижорат синфлари ҳам мавжуд.

Депутат педагог ва ўқувчилар билан мулоқотда юртимизда таълим соҳасидаги янгиликлар хусусида гапирди. "Янги Ўзбекистон мактаб остонасида бошланади", деган улғўғоя асосида ўрта таълимни умумийлий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишлар янги босқичга кўтарилганини қайд этди.

ХОРАЗМ

Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, ҳаётда қайтадан ўз ўрнини топишлариغا кўмаклашиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирidir. Шу мақсадда тузилган Аёлларни реабилитация қилиш ва мослашти-



риш республика марказининг Хоразм вилоят ҳудудий бўлими томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Бердиева учрашувлар дастури доирасида ушбу бўлим фаолияти билан яқиндан танишди. Моддий-техник база, аёллар билан ишлаш, уларга яратилаётган шарт-шароит ва амалий ёрдам механизмларини атрофлича ўрганди. Марказда ҳаётда оғир вазиятга тушиб қолган, оилавий тазйиқ ёки зўравонликларга учраган хотин-қизлар жойлаштирилади. Бу ерда улар учун хавфсиз ва қулай шароитлар яратилган. Ҳар бир мурожаатчига индивидуал ёндашув асосида ёрдам кўрсатилади, ҳуқуқий имкониятлари тушунтирилади, зарур бўлса суд органларига мурожаат қилишда амалий ёрдам кўрсатилади.

Уларнинг аксарияти руҳий беқарорлик, ишонсизлик ва қўрқув ҳолатларини бошдан кечиргани аён. Шу боис марказнинг мутахассис ва психологларига жабрдийдаларга ички барқарорликни тиклаш, стрессдан чиқиш ва ҳаётга қайта мослашишда профессионал ёрдам беришга интилади. Аёллар бу ерда турли жабҳаларга йўналтирилади. Қисқа муддатли ўқув курсларида таълим олиб, келгусида мустақил иш билан шуғулланишлари мумкин бўлади. Бу борада марказ иш билан таъминлашда амалий кўмак ҳам кўрсатади.

Депутат улар билан суҳбатлашиб, ишга кириш, болаларини боғчага жойлаш, соғлиқни тиклаш борасидаги муаммоларини тинглади. Ушбу масалаларни соҳа мутахассислари билан муҳокама қилиб, амалий ечим топиш юзасидан фикр алмашди.

– Бундай марказлар нафақат аёлларни муҳофаза қилади, балки уларнинг жамиятга тўлиқ қайтишига шароит яратиб, янги ҳаёт бошлашига катта кўмак беради, – дейди **Барно Бердиева**. – Шу боис марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, имкониятларини кенгайтириш ва моддий-ресурс базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Марказнинг Хоразм вилоят ҳудудий бўлимида ташкил этилган ишлар "Оғир вазиятда ёлғиз эмассиз" деган ғоянинг амалий ифодасидир.

БУХОРО

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эмма Аслонова, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати Руслан Загреддинов ҳамда Ёшлар парламенти аъзоси Мафтуна Жумаева Бухоро шаҳридаги Гулшан маҳалласи фуқаролари билан самимий мулоқотда бўлди. Ҳудудда кейинги пайтда амалга оширилаётган ишлар билан танишишди, фуқароларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиб, ҳал этиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди.

Маҳалладаги 68-МТТ биноси авария ҳолатига келиб қолган ва тезкор таъмирга муҳтож. 7 та гуруҳда 200 нафар бола тарбияланмоқда. Бу ердаги шароит ва болалар хавфсизлиги масалаларини ҳар томонлама ўрганган халқ ноиблари муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб боришди.

НАМАНГАН

Парламент Қуйи палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Худойбердиев Наманган туманидаги 7-умумтаълим мактабининг ҳашар йўли билан қурилган биносини реконструкция қилиш масаласини жойида муҳокама қилди.

Депутатимиз саъй-ҳаракати билан бино маҳаллий бюджет ҳисобидан 2026 йилнинг биринчи чорағида молиялаштирилиб, реконструкция қилиниши режалаштирилди. Туман ҳокими, туман иқтисодиёт ва молия бўлими, мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутасаддилари ва маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда таклиф муҳокама қилинди. Муҳокама якунида таълим ўчоғини реконструкция қилишни маҳаллий бюджет параметрларида тасдиқлашдан тортиб, ижросини назорат қилишгача бўлган босқичлар бўйича масъуллар аниқланди.



Наманган тумани марказидан узоқда, Уйчи тумани билан чегарада жойлашган Кайковус маҳалласида икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли 3 километрни ички йўллари асфальтлаш жойизлигини айтишди. Мазкур таклиф ҳам ижобий ечим топишига ваъда берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маъруфжон Раҳмонов Норин туманида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан фуқаролар билан учрашди. Дастлаб Катта Улмас маҳалла вакиллари билан бўлган юзма-юз мулоқотда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шундан сўнг депутат Янги Наманган маҳалласи ҳудудидидаги "Мир Сити"

қўшма корхонаси фаолияти билан танишди, бу ерда 300 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминлангани ва яратилган қулай шароитларга гувоҳ бўлди. Халқ вакили Норин туман кўмир омборида бўлганида бу ердан ёқилгини аҳоли хонадонларига белгиланган тартибда, маҳалладан бириктирилган вакиллар иштирокида тарқатиш доимий йўлга қўйилгани, қиш мавсуми учун етарли захира мавжудлигига амин бўлди.

ФАРҒОНА

Учкўприк туман марказидан 40 км узоқда жойлашган Сарикқўрғон қишлоғи аҳоли учун жуда қутилган ва муҳим лойиҳа – янги оилавий поликлиника қурилиши бошланди. Ушбу ҳудуд аҳолиси тарқоқ жойларда яшайди. Аввалги хизмат кўрсатиш масофаси қишлоқдан 30 км олисда эди, бу эса, айниқса, кексалар, ёш болали оналар ва тез тиббий ёрдамга муҳтожлар учун қийин-



чилик туғдираётган эди. Аҳоли ва шифокорлар қурилиш ишлари бошланиши муносабати билан ўз миннатдорликларини билдиришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова туман ҳокими билан бирга тиббиёт соҳаси вакиллари иштирокида учрашув ўтказди. Йиғилишда туман жабийёт бирлашмаси раҳбарининг фаолияти, ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинди. Халқ вакили ўз чиқишида давлатимиз раҳбари томонидан соҳа қадимлари учун яратилаётган шароитлар ҳақида маълумот берди. Жумладан, ойлик маошларнинг босқичма-босқич оширилиши, коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар, шифокор ва ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор янгиликлар ҳақида сўзлади. Шу билан бирга, тиббиётда учраётган энг оғрикли масала – коррупция ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида тўхталиб, бу борада жамоа масъуллигини оширишга диққат қаратди. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва соҳа нуфузини муҳофаза қилиш борасида аниқ тавсия ва топшириқлар берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчехра Жўраева Учкўприкдаги 1-сон политехникумида бўлди. Таълим маскани фаолияти, яратилган шароитлар ва ўқув жараёни билан яқиндан танишди. Хусусан, дуал таълим тизими ҳамда ушбу тизимда тахсил олаётган мактабгача таълим йўналишидаги талабалар билан оқич мулоқот қилди.

Талабалар хорижий тил бўйича қўшимча курс ва тўғарақлар ташкил этиш ҳақидаги таклифни ўртага ташлашди. Депутат уларни эътибор билан тинглаб, таклифларини шу заҳотиёқ ижобий ҳал этди. Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритиб келаётган номуахассис бўлган тарбиячи ёрдамчиларнинг мурожаатларига ҳам ижобий ечим топи – 1 ва 2-сонли политехникумларда мактабгача таълим тарбиячиси йўналиши бўйича гуруҳлар ташкил этилди. Давра суҳбати давомида ноиб ўшларни фаолиқ, ташаббускорлик ва берилган имкониятлардан самарали фойдаланишга чорлаб, техникумдаги ислохот ва шароитларни юқори баҳолади.

АНДИЖОН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Екатерина Смесова Ўрқизор маҳалласида амалга оширилаётган инфратузилма ва ободонлаштириш ишларини ўрганди. Ишлар "Марин бизнес трейд" қурилиш пудратчиси томонидан олиб борилмоқда. Айни дамда пиёдалар йўлаги янгиланмоқда, бу эса аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатни таъминлайди. Майдонга экилаётган гуллар чет эл навларидан бўлса-да, уларнинг барчаси маҳаллий иссиқхоналарда етиштирилган.

Лойиҳа доирасида дўкон ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш истағидаги ишбилармонларни ҳам қўллаб-қувватлаш чоралари қўриляпти. Мақсад бизнес фаолиятини кенгайтириш, ишсизликни қисқартириш ва аҳоли учун янада қулай шароитлар яратишдан иборат.



Шахрихон туманидаги 4-мактабда "Китобхон жамият – нури келажак" мавзусида вилоят семинари бўлиб ўтди. Тадбирда китобхонликни тарғиб қилиш ва таълим муассасаларида китобхонлик маданиятини янада юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда соҳа мутасаддилари, кутубхоначилар ва **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонов** иштирок этди. Тадбир давомида ушбу мактаб кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишилди. Бошланғич таълим, она тили, рус тили, кимё ва тарих фанларидан оқич дарслар намойиш этилди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Одинахон Отахонов ўз нутқида ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини янада кенгроқ тарғиб этиш, таълим муассасаларида замонавий кутубхона муҳитини яратиш муҳимлигини таъкидлади. "Ёш китобхонлар" тўғраги аъзолари томонидан меҳмонлар учун маънавий-маърифий дастур тақдим этилди. Ўқувчилар шеър ва кўшиқлар, сахна кўринишлари ҳамда рақслар ижро этиб, кечага кўтаринки руҳ бағишлади.

Халқ вакиллари сайловчилар билан учрашувлари тафсилотлари давомини газетамизнинг келгуси сонидида ўқийсиз.

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида "XXI as" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

МУНОСАБАТ

КЕЧАГИ ЖИЗЗАХ ЭНДИ БОШҚАЧА

Жиззах вилоятида кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар, йирик sanoat va infратузилма лойиҳалари, туризм ва қишлоқ хўжалигидаги улкан ўзгаришлар яна бир бор Президентимиз ташрифи давомида яққол намоён бўлди. Давлат раҳбари ҳар сафаргидек бу гал ҳам, аввало, Жиззахликлар қалбида эртанги кунга янги рух, янги гоё ва самимий ишонч бағишлади.



Эркин ХОЛМАТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ БИРЛАМЧИ

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни арафасида соҳани янада ривожлантириш, айниқса, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутаятган фермерларнинг ҳақ-хуқуқлари, манфаатларини амалдаги қонунлар доирасида химоя қилиш ҳамда ушбу жабҳадаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон фермерлари кенгашида онлайн тарзда очик мулоқот бўлиб ўтди.

Сир эмас, кўп бора кузатилганидек, бу каби ташрифлар давомида аввал белгилаб олинган ҳаётий вазифалар ижроси сарҳисоб қилинибгина қолмасдан, балки ўзига хос истиқболли лойиҳа ва дастурларга старт берилди. Бу эса ҳудудларда бунёдкорлик жараёнларининг навбатдаги босқичга кўтарилиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилди.

Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига навбатдаги ташрифи ҳам ана шу эзгу аънананинг мантикий давоми бўлди, дейиш мумкин. Чунки аънанга кўра, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан яқиндан танишилди, вилоят фаоллари иштирокида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар атрофида белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Жиззах вилоятида рўй берган улкан ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам сарҳисоб қилишга арзийди. Масалан, вилоят саноати республика бўйича энг тез суръатларда ривожланаётган тармоққа айланди. Сақкиз йилда ҳудудда 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, уларнинг 45 фоизи саноат соҳаси ҳиссасига тўри келди. Жиззахда йилига 175 минг автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ишга туширилди.

Зомин, Форш, Арнасой туманлари ва Жиззах шаҳрида қисқа фурсатда 2 миллиард долларлик 500

дан зиёд туризм ва сервис объектилари барпо этилдики, бу ҳудуднинг туристик салоҳиятини янги босқичга олиб чиқди. Арнасой ва Зомин туманларида 300 миллион долларлик инвестиция дастури ҳисобидан йил давомида узлуқсиз фаолият кўрсатувчи замонавий курорт зоналари барпо этилди, аэропортлар қурилиши эса вилоятнинг туристик жозибадорлигини янада оширди.

Ёки олайлик, Жиззахда саноат ҳажми 2,5 триллион сўмдан 25 триллион сўмга, хизматлар соҳаси 2,5 триллиондан 20 триллионга, қишлоқ хўжалиги эса 9 триллиондан 30 триллион сўмга етди. Бу кўрсаткичлар вилоятда иқтисодий салоҳият қай даражада ортиб бораётганини яққол ифодаси эмасми?

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи давомида, аввало, вилоятимизда замонавий йўл инфратузилмасини барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Жумладан, вилоят марказини М-39 халқаро автомобиль йўли билан боғловчи 700 метрлик йўл ўтказгич ва 4 километрлик янги автомобиль йўли қурилди. Қиймати қарийб 290 миллиард сўмга тенг бўлган ушбу ишоотлар ҳар куни 14 мингдан зиёд транспорт воситасини хафсиз ва қулай ўтказиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртбошимиз Жиззах политехника институти қошида ташкил этилган Автомобилсозлик муҳандислик мактаби ва вилоят кўп

тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Пировардида “Одамларимиз учун биннинг ўзи эмас, балки хизматнинг сифати, шифокорнинг билими, ҳалоллиги муҳим. Энг асосий вазифа – аҳолига чин дилдан хизмат қиладиган, юксак малакага эга тиббиёт тизимини яратиш”, дея айтган сўзлари вилоятда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифодалашига шубҳа йўқ.

Шунингдек, Шароф Рашидов туманидаги “Агропарк” қишлоқ хўжалиги корхоналари мажмуаси фаолияти билан танишув ҳамда у ерда ўсимликларни химоя қилиш лабораторияси, ветеринария дорихонаси, уруғ ва кўчатлар дўконлари, агропарк, мини-техникалар сервис, иссиқхона қуриш хизмати каби йўналишлар “ягона дарча” тамойили асосида йўлга қўйилгани эътиборга лойиқлиги таъкидланди.

Қайд этиш керакки, бу марказда тупроқ ва сув таҳлили, энтомология ва фитопатология хоналари ҳам фаолият юритаётгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мажмуа ҳудудида қишлоқ хўжалигига оид барча асосий ташкилотлар жойлашгани фермерлар учун катта қулайлик яратмоқда. Президентимиз марказ фаолиятини янада кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини шакллантириш бўйича аниқ тавсиялар ҳам берди. Ташрифнинг ҳар бир манзи-

лида давлатимиз раҳбари соҳа ходимлари, кенг жамоатчилик ва ёшлар билан очик мулоқотларда бўлиб, вилоятдаги янгиликлар юзасидан фикр алмашди. “Бугунги Жиззах – кечаги Жиззах эмас. Имкониятлар катта, энг муҳими – одамларнинг ишга муносабати ўзгарди. Бу имкониятларни халқ фаровонлигини оширувчи аниқ лойиҳаларга айлантиришимиз зарур”, деган сўзлари аҳолиимизни янада руҳлантириб юборди.

Ташриф чоғида саноат, инвестиция, туризм, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва инфратузилма соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Вилоятда инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун келаятган йилда қарийб 10 триллион сўм ресурс ажратилиши маълум қилинди.

Албатта, бу вазифаларнинг ижроси депутатлар, жамоатчилик ва барча фаоллардан катта масъулият талаб қилади. Ишончимиз комилки, O'zLiDePнинг ҳар бир аъзоси, жумладан, халқ вакиллари бу ҳайрли лойиҳалар амалда ўз самарасини бериши учун бор куч ва салоҳиятини сафарбар этади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Биз қабул қилаётган барча қарор ва ташаббусларимиздан мақсад битта – шу ерда яшаб, меҳнат қилаётган одамларни рози қилиш ҳамда Жиззахни ҳар томонлама ривожланган ҳудудга айлантиришдир”.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси **Ақтам Ҳайтов** олиб борган мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан икки мингдан ортиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари қатнашди.

Тадбир давомида 200 га яқин фермер хўжалиги раҳбарлари ўтаётган йил давомида эришилган ютуқларни таҳлил этиш баробарида соҳада учраётган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ қатор амалий таклифларни ҳам ўртага ташлашди.

Очиқ мулоқот жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда юзага келиши мумкин бўлган айрим қийинчиликларнинг олдини олиш, агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш, ҳосилдорликка эришиш, мавжуд бўлган барча қўшимча имкониятларни самарали ишга солишга оид масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, мавсум давомида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан ажратилаётган субсидия ва имтиёزلарни қисқа муддатларда олиш тартиблари юзасидан ҳам ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Эътиборли жиҳати, мазкур мулоқот давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келиб тушган 180 дан ортиқ мурожаат қабул қилинди. Уларнинг

147 таси Фермерлар кенгаши масъулари, 33 таси эса тегишли вазирлик ва идораларга юборилиб, масалаларни қисқа фурсатда ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари томонидан кўтарилган ташаббуслар асосида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларига киритиш учун тегишли таклифлар тайёрланди.

Очиқ мулоқот доирасида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўн-дан ортиқ, Вазирлар Маҳкамасининг эса 20 га яқин фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти тушунтирилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган янги ишлохотлар, аграр тармоққа замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермерларни рақамли хизматлардан фойдаланишга ўргатиш, тайёрлаш ҳамда бу борда хориж тажрибасини босқич-мас-босқич татбиқ этиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Бундай очик мулоқотлар қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларда, аввало, фермерларнинг фаол иштирокини кучайтириш, уларнинг асосли фикр ва таклифларини бевоқифта масъул раҳбарларга етказиш ҳамда соҳада шифофлик ва самардорликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Дилшод СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши бош мутахассиси

ДАВРА СУҲБАТИ

АЁЛЛАР ҲИМОЯСИ – ЖАМИЯТ ҲИМОЯСИДИР

“Шўртан газ кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамиятида БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 17 декабрдаги резолюциясига мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган “Зўравонликка қарши 16 кун” глобал кампанияси доирасида “Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўравонликка барҳам бериш учун курашайлик!” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Корпусига қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг Хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Гулшана Худоерова, “Шўртан газ кимё мажмуаси” ИЧЖ Мурожаатлар билан ишлаш ижро назорати хизмати бошлиги Улуғбек Хонқулов ҳамда соҳанинг бошқа вакиллари иштирок этди.

Муҳокама давомида Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар фаолиги изчил ошиб бораётгани, парламентдаги аёллар улуси БМТ тавсия этган даражаларга етиб, сийёсий жараёнларда уларнинг иштироки кенгайгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, 6 мингдан ортиқ аёллар кадрлар захирасига киритилгани, бизнеснинг 20 фоиздан кўپини ушбу қатлам вакиллари бошқариб келаятгани эътироф этилди.

Тадбирда рақамли зўравонликнинг турлари ва оқибатлари, шахсий маълумотларни химоя қилиш механизмлари, киберхавфсизлик қоидалари, мурожаат қилиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берилди. Рақамли хавфсизлик, гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш масалалари кенг қамровда муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда аёлларни ижтимоий химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, маийий зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларни реабилитация қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. – деди парламентдаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулшана Худоерова. – Мамлакатимизда хотин-қизларни зўравонликдан химоя қилишга қаратилган қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларда ҳар бир шахсини зўравонликлардан, хусусан, оилада содир этиладиган хунрезликлардан муҳофаза қилиш механизми аниқ белгилаб қўйилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сийёсий ҳуқуқлар ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар оила жамиятининг асосий бўлини сифатида эътироф этиди ва ҳар бир шахсини оиладаги зўравонликдан химоя қилишни кафолатлайди. Миллий қонунчилигимизда ҳам ин-

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ёнғин – инсон ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига энг катта зарар етказиши мумкин бўлган фавақулда ҳолатлардан бири ҳисобланади. Ҳар йили содир бўлаётган кўплаб ёнғинлар нафақат моддий талафотларга, балки инсонлар ҳаёти хавф остида қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса аҳолининг ёнғин хавфсизлиги борасидаги билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан самарали фойдаланиш маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Ёнғин содир бўлган дастлабки дақиқалар, айниқса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар вазият ўз вақтида тўғри баҳоланса ва бирламчи ёнғин


ва техник ҳолати доимо текшириб борилиши лозим. Ёнғин юз берганда эса восита ёнғин марказига аниқ йўналтирилиши, дастаги босилганда

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ёнғин кенг майдонга тарқалган бўлса ёки алангаси кучли бўлса, уни ўз кучингиз билан ўчиришга уринманг. Бундай пайтларда биринчи навбатда ёнғин хавфсизлиги хизмати (101)га дарҳол хабар бериш, атрофдагиларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ва фақат ўз ҳаётингизга хавф туғдирмайдиган чораларни кўриш зарур. Энг муҳими, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри фойда-

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТДА ҲАМ МАДАНИЯТ КЕРАК

ўчириш воситаларидан оқилона фойдаланиш, оловнинг тарқалишига йўл қўймаслик, катта миқёсдаги зарарнинг олдини олиш ҳамда фавақулда ҳолат устидан назоратни қўлга олиш имконини беради.

Бирламчи ёнғин ўчириш воситалари таркибига турли конструкциядаги ўт ўчириш мосламалари, қум қутилари, сув ёки қум тўлдириладиган ёнғин челақлари, махсус ёнғин матолари, шунингдек, сув пуркагичлар кирди. Улар турли даражадаги ёнғинларни ўчиришда қўлланилиши, фойдаланиш қўлайлиги ва тезкор таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Ўт ўчиргичларнинг кўпикли, қуқунли, газли каби турлари мавжуд бўлиб, улар ёнғиннинг хусусиятига қараб танлаб қўлланади. Қум ёки сув билан тўлдирилган челақлар эса кичик ёнғин ўчоқларига энг яқин ва амалий чорадир. Ёнғинга чидамли матолар ёнаётган буюмни ҳаво билан таъминлашни тўхтатиб, оловни тезда бартараф этишга хизмат қилади, сув пуркагичлар эса оловни совитиб, унинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ушбу воситаларнинг самараси улардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Энг аввало, ўт ўчиргичларнинг яроқлилик муддати, босим кўрсаткичлари



оқим олов илдизига қаратилиши зарур. Қум ёки сувдан фойдаланишда ўт ўчоғига эҳтиёткорлик билан яқинлашиш, қумни ёки сувни тўғридан-тўғри оловга сегиш талаб этилади. Ёнғин матоси ёнаётган буюмни тўлиқ қоплаши, сув пуркагичлар эса олов тарқалиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларга майда зарралар билан пурқалиши керак.

ланиш кўникмаси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оғишмай амал қилиш ҳамда фавақулда вазиятларда ҳолис ва тўғри қарор қабул қила билиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Умид УСМОНОВ,
Саъдулла ТУРҒУНБОЕВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ФББ катта инспекторлари

ТАҚДИР ҲАМЛАРА

“Уруш ва тинчлик”нинг икки томини қўлда кўчирган эди...

У экранга янги қиёфа олиб кирган, шунинг учунми, қатнашган фильмларини томошабинлар кўришга ғоят ошқарди. Чапдаст, абжир бу йигитнинг қоллондек чаккон ҳаракатлари бирор мухлисни бефарқ қолдирмасди. Болалигидек яхши, адабиёт ва санъатга астойдил меҳр қўйган, ҳатто Лев Толстойнинг афсонавий романи икки томини қўлда кўчирган эди у.

“XX аср қароқчилари”, “Том Соьер ва Гекльберри Финн саргузаштлари”, “Еттинчи ўқ”, “Бўри уяси” ва бошқа ўнлаб фильмларда рол ўйнаган бу актёр ўша ҳаммамиз билган-таниган Талъат Нигматуллин эди...

Болалиқдаги кўз ёшлар

Талъат Қодирович Нигматуллин 1949 йилнинг 5 мартида Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Қизил Қия шаҳрида ўзбек-татар оиласида туғилган. Айрим манбаларга кўра, унинг Ўзбекистонда таваллуд топгани ва бир ёшга етар-етмас оиланинг Қизил Қияга кўчиб ўтгани қайд этилган. Ўзининг кўплаб интервьюларида ҳам Талъат Тошкентда туғилганини айтган.

Бўлажақ актёрнинг болалиги оғир кечди. Шахтёр отаси Талъат икки ёшга тўлмасдан туриб, фожиами ҳалок бўлган. Оила мушкул аҳволда қолади. Кейинчалик Талъат ўсмирлик давридан пул ишлаб топишга киришди: шакар заводи, пойабзал устaxonасида хизмат қилди. Унинг онаси мактаб директори бўлса-да, оила ниҳоятда муҳтож ашар эди. Икки болани ўстиришга қийналган она Талъатни болалар уйига топширишга мажбур бўлади...

Талъат одамови бўлиб воёга етди. Унинг соғлиги яхши эмас, болалигида ширзада (рахит) билан оғирган эди. Тенгдошлари билан кечган ўйинлари кўпинча Талъатнинг йиғиси ва кўзларининг кўкариши, баъзан эса жиддий жароҳатлар олиши билан тугарди. Бир кун пионерлар оромгоҳида тенгқур қизлардан бири оғи қийишқ бу ўсмир билан рақс тушишдан бош тортиди. Бундан қаттиқ ранжиган Талъат кўз ёшларини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун олис чўлга қараб югурди. Ана ўшанда у танасини чиниқтиришга қасам ичди...

Талъатнинг балдаги рақслари, энгил атлетика, кейинчалик қаратэ машғулотлари бошланди. Ҳеч кимга аралашмайдиган бола-кай фақат китоблар мутолаасидан таскин толарди. Орадан маълум вақт ўтгач, у шу қадар бийрон ва адабий тилда гаплашадиган бўлдики, яқинлари ёқа ушлаб қолишди. Энг қизиғи, тилни пухта ўрганмоққа жаҳд қилган Талъат “Уруш ва тинчлик” романининг икки томини қўлда кўчириб чиққан эди!

Энг катта орузи кинорежиссёр бўлган Талъат мактабни тугатгач, ВГИКка кириш учун Москвага йўл олди, аммо ўқишдан йиқилди. Биринчи омадсизликдан сўнг бу катта шаҳардан кетишни истамагач, цирк ва эстрада санъати билим юртига ўқишга қабул қилинди. Бу даргоҳда таҳсил олиш чоғида Талъат спортнинг кураш тури билан жиддий шуғулланди. У ўша пайтдаёқ кўркам қиёфа ва ноёб истеъдодга эга эди. “Мосфильм” дагилар ёш йигитчага эътибор қаратишга да у “Комиссар ҳақида баллада” фильмига таклиф қилинди.

“Ушбу биринчи роли унинг кейинги фаолият йўналишини белгилаб берди. Талъат ялтироқ кўлқопли ёш аблаҳ образини шу қадар маҳорат билан ижро этдики, келгусида разил қахрамонлар тимсоли унга ёпишди-қолди. Ваҳоланки, Нигматуллин бутун умри давомида бошқа ролларни оруз қилган эди” (Алишер Ҳамдамов интервьюсидан).

ВГИКда Нигматуллин бўлажақ юлдузлар Николай Еременко (кичиғи), Вадим Спиридонов, турт нафар Наталья – Белохвостикова, Гвоздикова, Уринбосарова ва Бондарчук билан бирга ўқиди.

Оилали, аммо... тайёр эмас!

1971 йили олий ўқув юртини тугатган Талъат Тошкентга келди ва “Ўзбекфильм”да актёр бўлиб ишлаш бошлади. Унинг иштирокида “Еттинчи ўқ” (1972), “Учрашув ва видолашувлар” (1973), “Сиеввуш ҳақида достон” (1976) фильмлари суратга олинди.

Нигматуллин ижодининг бошқа қирраси оммага унча маълум эмас, айтишларича, у ҳикоя ва шеърлар ҳам ёзган экан. Бўш вақтини ҳамisha уйда ўтказар ва тинмай ёзарди. Тошкентда Нигматуллиннинг бир нечта ҳикоялари босиб чиқарилган, ҳатто насрдаги илк китоби чоп этишга тайёрланаётган эди. Кинодраматург Одилшоҳ Агишев унинг ёзганларини ўқиб, сценарийнавис ва режиссёрлар олий курсига ўқишга киришини маслаҳат берди. 1978 йили Нигматуллин мазкур курсларни муваффақиятли тугатди.

Талъатнинг дастлабки роллари кичик ва кўзга ташланмаган бўлса-да, истеъдоди ва Николай Еременко билан дўстлиги туфайли эсда қоларли қахрамонлар ҳам ишониб топширилди. Улардан бири “XX аср қароқчилари”даги разил Солих образи ҳисобланади. Талъат ва Николай Еременкони режиссёр Борис Дуров фильмга таклиф қилди. Актёрлар ролга шунчалик киришиб кетдиларки, дублёр ва каскадёрларнинг ёрдамини рад этишди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ўзини оқлади. Фильмни кўриш учун томошабинлар турнақатор бўлиб навбатда туришарди...

Таҳсил чоғида Талъат ёш талаба қиз Ирина Шевчук билан танишди. – Бизнинг муҳаббатимиз икки йил давом этди, – дейди Ирина Шевчук. – Кейин гоҳ учрашиб, гоҳ аразлашиб юрдик. У мендан тажрибали, мен эса анча кичик эдим. Менда ҳаммаси орузларимда, китобларда эди. Институтни битиргунча муносабатларимизга узил-кесил нукта қўйдик. Бу мен учун оғир бўлди.

ВГИКни тамомлаб Тошкентга қайтган Талъат бир вақтлар “Ялла” гуруҳи таркибидан бўлган хонанда Лариса Кандаловага уйланди. Ушанда Талъат “Еттинчи ўқ” фильмидида суратга тушаётган эди. Қизни йигитнинг жонкуярлиги ўзига тортиди: Ларисанинг москвалик дунонаси оғир вазиятга тушган, сабаби Тошкентда онаси бетоб бўлиб, икки итани қолдириш учун одам йўқ эди. Талъат аёлни шифохонадан чиқаришга ёрдам берди, Лариса имтиҳонларни топшираётганида эса кучуқларидан бирини олиб уйда боқиб турди...

Кўп ўтмай уларнинг оиласида қизалоқ Урсула туғилди. “Мени Талъатнинг жонкуярлиги, дўст бўлиш қобилияти ўзига жалб қилган эди. Биз биргаликда бир йил яшадик, холос. Талъат оилаларвар бўла олмади. Мен унинг бошқа аёлларга хушторлигини хиёнат деб қабул қилдим. Охир-оқибат болам билан уйдан чиқиб кетдим. Ўша пайтда Талъат оилавий ҳаётга мутлақо тайёр эмас эди” (Лариса Кандалова сўзлари).

Муҳаббат ва... Брюс Ли

Ўн саккиз яшар рақибаси Ҳалима Ҳасанова ҳақида Лариса ҳали ҳомиладорлик пайтида билган. Талъатнинг ўлимидан сўнг интервьюларида биринчи марта Лариса Кандалова Ҳалима ҳақида шундай дейди:

“Бу қиз эримга гиппа ёпишиб олганди. У уйимизга келиб турар, Талъатнинг ояси эшикни очар, Ҳалиманинг почтачи ёки қўшни аёл эканлигини айтиб, мени алдарди. Ўша йиллари менга етказган азиятлари эвазига Ҳалима бу сўзларим учун кечирсин. У Талъатни жуда-ям севар, фақат Талъат учун яшар, назаримда, моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлар – куриллишда ишлар эди. Ҳалима мулоим ва до-нишманд аёл, бироқ унинг ҳам йўли Талъат билан айро тушди”.

Ҳалима Нигматуллиннинг иккинчи хотинига айланди. У эрининг мураккаб феълига чидаши мумкин эди. Биргаликда давом этган етти йиллик турмуш Нигматуллин ҳаётидаги энг узоқ муносабат ҳисобланади. 1980 йилнинг 21 октябрида бу оилада Саид дунёга келди.

– Мен Талъатни жудаям севардим, – деганди Ҳалима Ҳасанова. – Саид туғилганида у хотини ярим йилдан сўнг туғадиган эрақадан кажавва сотиб олди. Талъат нафақат пул билан ёрдам берди, балки харидни нишонлаш учун бу тасодикий одамни ресторанга таклиф ҳам қилди. Унинг ўзига хошлиги ҳам ана шунда эди – очик, хайрихоҳ ва яхши улфат. Талъатнинг ҳеч қандай душмани йўқ эди.

Режиссёр Мелис Убукевнинг фильмидида бош ролни ўйнаган Нигматуллиннинг кино майдонига ҳаракат қиларди. Ушбу гуруҳнинг раҳнамоли асли келиб чиқши Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳридан ҳисобланган Абай Бўрибоев ва нукуслик “халқ табиби”, экстрасенс Мирза Қимматбоев эдилар. Секта тарки-

...1980 йил бошида Талъат Нигматуллин бир сектага аъзо бўлди. Ушбу гуруҳнинг раҳнамоли асли келиб чиқши Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳридан ҳисобланган Абай Бўрибоев ва нукуслик “халқ табиби”, экстрасенс Мирза Қимматбоев эдилар. Секта тарки-



Талъат рафиқасининг исми Линда бўлган Брюс Ли ижоди олдиди таъзим қилган. Венера эса юлдузли жуфтлик – Пол ва Линда Маккартниларнинг фанати эди (Брюс Ли рафиқасининг исми ҳам Линда). 1983 йилнинг 14 майда қизалоқ туғилганида Талъат ва Венера ўзаро келишиб, исмини Линда деб қўйишди...

Венера Талъатдан ҳар жиҳатдан орта қолмасликка ҳаракат қиларди. У ҳам катта билан шуғулланди. “Қора белбоғ” олди ва спорт усталигига сазовор бўлди.

Секта балоси – фожиа сари!

...1980 йил бошида Талъат Нигматуллин бир сектага аъзо бўлди. Ушбу гуруҳнинг раҳнамоли асли келиб чиқши Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳридан ҳисобланган Абай Бўрибоев ва нукуслик “халқ табиби”, экстрасенс Мирза Қимматбоев эдилар. Секта тарки-

би журналистлар, ёзувчилар, рассомлардан иборат эди. Мазкур мазҳабдагилар дзен-буддизм ва эзотерика йўғунлашувидан таркиб топган “Туртинчи йўл”га эътиқод қилишарди. Ўзига тўқ секта аъзолари “руҳий акалари”дан нима ишлагани уларнинг яқинлари учун жумбоқ бўлиб қолган. Афтидан Талъатнинг “Урганилмаган дунё”га интилиши уни Бўрибоев сектасига етаклаб келган.

1981 йили Талъат илк режиссёрлик иши – “Акс-садо” номи ўн дақиқалик ҳужжатли фильмни учун пул топди ҳамда Мирза ва Абайни суратга олди. Аммо фильмга дўстлари ва раҳбарият томонидан яхши фикр билдирилмади.

Лариса Кандалованинг ҳисоблашича, агар у Талъатнинг ёнида бўлганида бу “исқиртлар”га актёрни асло йўлатмасди: “Сектага гиёвандлик аралашган деб ўйлайман, чунки улар ичкиликбозлик қилиш билан чекланмаган. Бирга яшаганимизда Талъатда ҳеч қачон наркотикларни кўрмаганман. Тўғри, у ичарди, аммо бошқа артистлар ҳам бу гуноҳни қилишган”.

Ҳалима Ҳасанова қайдлари: “Биз ажрашгач, мен айрилиқдан узоқ вақт азият чекдим. Уни ишонсиз қўлларга топширган ҳақидаги ҳиссиёт шууримни сира тарк этмади. Талъат нима учун бу мазҳабга ўралашиб қолганини сира тушунаймаман. Билганим: ўша фирибгарлар фотосуратини кўришгач, мен билан ажрашиб кераклигини айтиб, Талъатни кўндиришга уринишган. Мен ҳаётини издан чиқармаслиги учун яхшилаб ўйлаб кўришини унга айтдим, бироқ ҳаракатларим зое кетди. Сектадагиларни эса бир марта кўрдим, холос. Улар ўта кашшоқ, зафлиғ билан мени ҳайрон қолдиришди. Талъат эса худди офтоб мисоли ажралиб турарди”...

1985 йил февраль ойи бошларида Мирза ва Абай “мактаби”да ихтилоф юзага келди: вильнюслик бир нечта ўқувчи секта билан алоқасини узишга қарор қилишган эди. Вазиятни ўрганиш учун ўша жойга Абайнинг ўзи йўл олди. Кейин эса итоат этмаганларнинг “ақлини киритиб қўйиш” мақсадида Нигматуллинни чақирди. Суратга тушиш учун Кишинёвга бориши керак бўлган Нигматуллин Вильнюсга қўниб ўтишга қарор қилди. Абай билан учрашганида у актёрга савол берди: “Менга қарши чиқаётган одамлар бор. Ёрдам беришни хоҳлайсанми?” Талъат рози бўлди. Устозининг ҳақлигига мутлақо ишонган Нигматуллин сектанинг норози аъзолари билан муносабатларга оидинлик киритиш учун тегишли манзилга йўл олди.

Машъум кеча

Абай шогирдларининг садоқатига ишонч ҳосил қилиш учун камситадиган синов усуллари қўлланган. Масалан, бир зиёфатда Абай барчанинг кўз унда стаканга туپурди ва Талъатга уни ичишни буюрди. Нигматуллин



бўйруқни бажарди. Шарқ бозориди эса Абай актёрга тиланчилик қилишни амр этди. Нигматуллин бу бўйруққа ҳам итоат этди. Абай умумий иш учун пул кераклигини айтганида уч боланинг отаси бўлган ва яхши пул топадиган Талъат ўзидаги бор сармоясини қўшқўллаб топширди...

Суд ҳужжатларига кўра, танишганларидан бўён Нигматуллин Бўрибоевга икки минг рублдан кўп пул берган, ваҳоланки, ўшанда мамлакат миқёсида ўртача иш ҳақи 120 рубль эди. Яъни Талъат Абай билан нафақат фахрланган, балки унга тўла-тўқис итоат этган. Бироқ, Абай ўзига бўйсунмаган шогирдларни кўрсатиб, “Мана бу муртадни ур!” деганида Нигматуллин қутилмаганда “Урмайман!” дейди. Илк бор бўйруқни бажармагани устозни ғазаблантириб юборди. “База”га қайтишгач, Талъатнинг Абайдан эшитгани шу бўлди: “Сен – сотқинсан!”, “Сотқин эмасман”, деди актёр. Шунда устоз амр қилди: “Уни дўппосланлар!” Бу ердигиларнинг барчаси Талъатга ташланди...

1985 йилнинг 10 дан 11 февралга ўтар кечаси Вильнюс марказидаги рассом А. Калина-ускаснинг уйида беш нафар “табиб” актёрни шафқатсизларча қалтаклашди. Бу мудҳиш ҳаракат токи Талъатнинг ички аъзолари тамоман ишдан чиққунча давом этди. Фёдор Раззоқовнинг китобида ёзилишича, ур-қалтакда бево-сита москвалик қаратэ устаси В. Пестрецов ҳам қатнашган.

Маълум вақтдан сўнг секта раҳбари қалтаклашни тўхтатишни буюрди ва сўзларини такрорлади: “Сен – сотқинсан!”. Талъат жа-воб берди: “Йўқ!”. Жазо давом эттирилди. Актёр зигирча қаршилик кўрсатмади, ўзини ҳимоя қилишга ҳам уринмади. Ваҳоланки, қаратэ усулларини пухта билган, “қора белбоғ” соҳиби бўлган Нигматуллин қурол-аслаҳасиз одамларни ҳар томонга учириб юбориши мумкин эди. Бироқ у бундай қилмади, устозининг кўзларига жимгина тикилди. Синчков нигоҳга дош беролмаган Абай шундоқ ҳам дабдаласи чиққан Талъатга сўнги бешта зарба берди ва у жон берди...

Нигматуллин устози ноҳақлигига амин бўла туриб, нега ўзига берилган зарбаларга қаршилик кўрсатмаган? Бунинг сабаби воқеалар жуда тез рўй берганида бўлса керак. Бир соат ичида ўзи салкам сифинган устозининг аблаҳ одами айлангани Талъат учун оғир фожиа эди. Кўзлари кеч очилган шогирднинг барчасини англаб етиши учун вақт етишмасди. Агар унинг мулоҳаза учун икки соат фурсати бўлганида ҳам ўлмай қолиши мумкин эди.

Дарҳақиқат, бундай руҳий зарбадан сўнг одам дарҳол ўзини ўнглай олмайди. Баъзида йиллар керак бўлади. Суд ҳужжатларида ёзилишича, қалтаклаш саккиз соат давом этган. Нималар рўй бераётганини англаганида Талъатнинг қаршилик кўрсатишга кучи ҳам қолмаган эди...

Нигматуллиннинг мурдаси ювиниш хона-сидан топилди. Марҳум танасида 119 та жароҳат бўлиб, 22 таси бosh қисмида эди. Мурда шу қадар абгор аҳволда бўлганки, Венера уни кремация қилишга қарор қилди ва бу жараён Каунасда ўтказилди. Талъатнинг хоки Тошкентдаги “Чилонзор ота” қабристониди дафн этилди...

Абай Бўрибоев ва Мирза Қимматбоев суд томонидан 14 ва 10 йиллик қамоқ жазоларига ҳукм қилинди. Бошқа жиноятчиларга нисбатан қисқа муддатли жазолар тайинланди. Архивдаги расмий маълумотларга кўра, Абай Бўрибоев жазони ўтиш чоғида сил касаллигидан вафот этган, аммо “Талъат Нигматуллин: суперолдузнинг ҳалокати” фильмидида айтилишича, Бўрибоев қамоқда ўлдирилган. Мирза Қимматбоев эса жазони тўлиқ ўтади, озодликка чиқди, яна “табиблик” билан шуғулланиб, 2006 йили жигар циррози билан ҳаётдан кўз юмди...

Машҳур актёр Талъат Нигматуллин ўлганида 36 ёшга тўлишига уч ой қолган эди...

Анвар НАМОЗОВ

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Бюджет рақами: Т – 1245
Адади: 5005
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:25

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ